Расулжон Мирзааҳмедов






# ЎЗБЕК ЧИТГАРЛИК СИРЛАРИ
# СЕКРЕТЫ УЗБЕКСКОЙ НАБОЙКИ

UNESCO

United Nations
Educational, Scientific and
Cultural Organization

Ушбу китобдаги маълумот, фикр ва мулоҳазалар учун муаллифлар масъулдир. Китобда баён этилган ғоялар ЮНЕСКО нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Таҳрир ҳайъати:
**Хорхе Иван Эспинал** — ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари
**Муҳайё Маҳмудова** — ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Маданий ишлар бўйича мутахассиси
**Акбар Хакимов** — Илмий муҳаррир
**Кахрамон Абиджанов** — Дизайнер

Сведения и материалы, содержащиеся в данной публикации, не обязательно отражают точку зрения ЮНЕСКО. За представленную информацию несут ответственность авторы.

Редакционная коллегия:
**Хорхе Иван Эспинал** — Глава Представительства ЮНЕСКО в Узбекистане
**Мухайё Махмудова** — Специалист по вопросам культуры Представительства ЮНЕСКО в Узбекистане
**Акбар Хакимов** — Научный редактор
**Кахрамон Абиджанов** — Дизайнер

© ЮНЕСКО, 2011

... босмахонасида чоп этилган

Расулжон Мирзааҳмедов



# ЎЗБЕК ЧИТГАРЛИК СИРЛАРИ
# СЕКРЕТЫ УЗБЕКСКОЙ НАБОЙКИ

# МУНДАРИЖА

Муҳаррирдан ........ 7

Кириш ........ 9

Анъанавий читгарликни тиклаш бўйича
ЮНЕСКО лойиҳалари ........ 15

Читгарликда ишлаш учун зарур бўладиган
асбоб ускуналар ........ 19

Матони оқлаш ва гул босишга тайёрлаш ........ 23

Қора ранг тайёрлаш ва матога босиш ........ 25

Сариқ ранг тайёрлаш ва қизил рангга бўёқлаш ........ 29

Ранглашда ишлатиладиган маҳсулот
нархлари жадвали ........ 37

Адабиётлар ........ 39

# СОДЕРЖАНИЕ

От редактора . . . . . 6

Введение . . . . . 8

Проекты ЮНЕСКО по возрождению традиционной набойки . . . . . 14

Необходимые принадлежности в набойке . . . . . 18

Отбеливание ткани и приготовление к набивке . . . . . 22

Приготовление черной краски и набивка . . . . . 24

Приготовление желтой краски и окрашивание в красный цвет . . . . . 28

Таблица расценок, используемых в набойке материалов . . . . . 36

Литература . . . . . 38

# МУҲАРРИРДАН

Читгарлик — анъанавий ўзбек бадиий матоларининг турларидан бири бўлиб, уни тайёрлаш анъаналари узоқ асрларга бориб тақалади. Матоларга махсус қолиплар ёрдамида нақшлар солинади. Ўзбек читгарлигида фақат пахтадан тайёрланган матолар қўлланилган. Читгарлик матолари ўзига хос рангларга эга бўлган. Қизил-қора, кўк-қора (индиго) ва сариқ-қора ранглар читгарликда кенг тарқалган. XIX асрда Ўзбекистон ҳудудида турли хил читгарлик буюмлари ишлаб чиқадиган ҳунармандчилик марказлари шаклланди. Бадиий ва технологик анъаналарига бой бу ҳунармандчилик 1920–30 йилларгача Ўзбекистон амалий санъатининг ривожланган соҳаси деб ҳисобланган.

XX асрнинг ўрталарига келиб, республикада бу соҳа деярли йўқолиб кетди. Фақат 1970 йил охири — 80 йил бошларида Тошкент ва Марғилон усталари ҳаракатлари билан ушбу соҳа қайта тикланди. Замонавий усталар Тошкент, Марғилон ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида анъанавий ва технологик усулларни қўллаб, читгарлик матоларини яратмоқдалар. 1990 йилларда анъанавий урф-одатлар ва байрамларнинг қайта тикланиши, замонавий либосларда миллий элемент сифатида қўлланиши муносабати билан читгарлик матоларига талаб ортди. Ҳунармандчиликнинг бадиий ва технологик тамойилларига алоҳида эътибор қаратила бошлади, чунки табиий бўёқлар ва пахта матоларидан яратилган буюмларнинг қиймати ҳар доим баланд бўлиб келган.

Читгарликка бўлган ижтимоий ва эстетик қизиқишлар ортишини инобатга олган ҳолда, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан нашр этилаётган мазкур китобча алоҳида аҳамиятга эга. Унинг муаллифи, ота-боболаридан қолган ҳунарни давом эттириб келаётган марғилонлик машҳур уста Расул Мирзааҳмедов қадимги ҳунармандчиликнинг муҳим технологик ва бадиий тамойилларини илк бор ёритиб бермоқда.

**Акбар Ҳакимов,**
**санъатшунослик фанлари доктори, профессор,**
**Ўзбекистон Бадиий Академияси академиги.**

# ОТ РЕДАКТОРА

Набойка — одна из разновидности традиционных узбекских художественных тканей, традиции изготовление которых уходит в глубь веков. Ткани украшались способом набивки узоров специальным штампом «калыб». Узбекские набойки были только хлопчатобумажные. Колорит набивных тканей имел свои особенности. Наиболее распросраненными цветами набойки были красно-черный, сине-черный (индиго) и желто-черный. На территории Узбекистана к XIX веку сформировалась широкая сеть кустарных промыслов по производству разнообразных изделий с набивным узором. Эти кустарные промыслы с их богатой технологической и художественной традицией вплоть до 1920–30 гг. оставались одной из развитых отраслей прикладного искусства Узбекистана.

К середине XX века этот промысел в республике фактически исчез. Лишь в конце 1970 – начале 80-х годов усилиями мастеров Ташкента и Маргилана этот промысел был возрожден. Творчески используя традиционные мотивы и технологические приемы, современные мастера создают набивные ткани в Ташкенте, Маргилане и других городах Узбекистана. 1990-е годы в связи с возрождением традиционных обычаев и празднеств, усилился спрос на набивные ткани, которые стали использоваться в качестве национального элемента современной одежды. Особое внимание стало уделяться художественным и технологическим аспектам промысла, поскольку наиболее ценными являются изделия, созданные на базе природных красителей и тканей из хлопка.

Учитывая этот возрастающий социальный и эстетический интерес к набойке, инициатива Представительства ЮНЕСКО в Узбекистане по изданию настоящей публикации приобретает особую актуальность. Ее автор, известный потомственный мастер из Маргилана Расул Мирзаахмедов впервые раскрывает важные технологические и художественные аспекты древнего промысла.

**Акбар Хакимов,**
**доктор искусствоведения, профессор,**
**академик Академии художеств Узбекистана**

# КИРИШ



«Читгарлик», яъни матога гул босиш, бу ёғочгни ўйиб гул солинган қолипларда, пахта ёки ипакдан бўлган матоларга қўл меҳнати ёрдамида гул босиш жараёни ҳисобланади. Бу ҳунар тури жуда қадимий. Бир қарашда матога гул босиш технологияси оддий кўринса-да, аслида бу — меҳнатталаб ва узоқ жараёндир. Матога гул босиш вақтида уста қолипдаги гулларни бир-бирига мослаш орқали кутилган, ё кутилмаган хилма-хил шакллар чиқариши мумкин.

Тадқиқотчилар пахта ва ундан тайёрланган матолар пайдо бўлган Ҳиндистонни читгарлик ватани, деб ҳисоблайдилар. Эҳтимол, бу техника у ердан Хитойга келган ва кейинчалик Буюк Ипак йўли орқали Ғарбга — Европа ва Шимолий Африка мамлакатларига тарқалган бўлиши мумкин.

Археологик қазилмалар орқали Миср ва Рим маданиятида ҳам шундай читгарлик маҳсулотларидан фойланганликлари ўз исботини топди. Шунингдек, Буюк Ипак йўли орқали читгарлик санъати Ўрта Осиёга кириб келган.

Қадимдан Ўрта Осиё халқлари гул босилган читдан дастурхон ва жойнамоз, парда ёки палак, кўрпача, белбоғ, халат ва чойшаб тикиш каби турли мақсадларда фойдаланган. Читдан тикилган Ўрта Осиё буюмлари ўзининг дизайни ва сифати билан Россияда машҳур бўлган ҳамда XIX асргача у ерга экспорт қилинган. XIX аср ўрталарида Ўрта Осиё чити, янги такомиллашган техникада ишлаб чиқарилган Россиянинг читгарлик фабрикаси билан рақобатлаша олмади. Шундан бери Россияда ишлаб чиқарилган арзон чит Туркистонга олиб кирилди ва уста читгарлар маҳсулотларини маҳаллий бозордан сиқиб чиқарди. Шу билан бирга сунъий бўёқлардан фойдаланиш матонинг сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

1930–1940 йилларда Ўзбекистонда қўлда тўқилган читгарлик матоларини ишлаб чиқариш пасайди. Кўп даврлар ўтишига қарамай, ўзбек читгарлиги қайта тикланиб, замонавий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлмоқда. Пахтадан тайёрланган бўзга анъанавий усулларда гул босилган. Хилма-хил қолиплар гулларини бир-бирига мослаш орқали, уста ҳар-хил шакллар бериш ва бу билан ижод килиб, янги шакллар яратиш имкониятига эга бўлган. Одатда уста оила аъзолари билан биргаликда маҳсулот тайёрлаган. Бегона одамларга камдан-кам ҳолатда ўзининг ҳунарини

# ВВЕДЕНИЕ

«Набойка», то есть печатание рисунка на ткани, является процессом набивки рисунка на хлопчатобумажную или шелковую ткань ручным способом при помощи резных деревянных форм — калыбов. Этот вид ремесла очень древний. На первый взгляд, технология изготовления набивных тканей проста, но на самом деле — это трудоемкий и длительный процесс. Во время набивки мастер посредством подбора рисунков на форме может получать самые невероятные изображения.





Исследователи считают родиной набойки Индию, где впервые появился и хлопок, и ткани из него. Вероятно, оттуда эта техника попала в Китай, а далее — распространялась через Великий шелковый путь на Запад — в страны Европы и Северной Африки.

Благодаря археологическим раскопкам удалось найти доказательства использования товаров из набивного ситца в Египте и Риме. Искусство набойки пришло в Среднюю Азию также через Великий шелковый путь.

Народы Средней Азии изделия использовали изделия из набивного ситца в различных целях — как скатерть, коврик для чтения молитвы, занавеси, или как настенное украшение, для шитья курпачи, поясов, халатов и постельного белья. Среднеазиатские изделия из ситца славились своим дизайном и качеством в России и экспортировались туда вплоть до XIX века. К середине XIX века среднеазиатский ситец не мог больше конкурировать с тканями, производимым российской ситценабивной фабрикой по новой усовершенствованной технике. С тех пор производимый в России дешёвый ситец завозился в Туркестан и вытеснил с местного рынка изделия мастеров набойщиков. Вместе с тем использование искусственных красителей отрицательно повлияло на качество самой ткани.

В 1930–1940-х годах производство ручных набивных тканей в Узбекистане пришло в упадок. Несмотря на то, что прошло много лет, узбекская ручная набойка вновь возродилась и находит свое место в современной жизни. Традиционно набойка производилась на грубой хлопчатобумажной ткани. Мастер набойщик отмечал на ткани основной рисунок. Методом сочетания различных шаблонов с рисунками мастер имел возможность создавать новые формы орна-





ўргатган. Қизларини иложи борича, ўзларига ўхшаб читгарлик билан шуғулланадиган оилага турмушга беришган.

Одатда читгарлик матоларининг услуби тарҳи оқ рангда бўлган (баъзан, қизил ёки кўк рангга бўялган матоларга), нақшлари қора ва қизил рангларда чизилган. Қора рангли босманинг қолипи ўзига хос услубга эга — нок ёғочини қўй ёғига солиб тўйинтирилади, йил давомида қуритилади олиниб, сўнг унга гул-нақш ўйиб колип тайёрланади. Нозик дид билан тайёрланган бундай қолипларнинг ўзиёқ, ёғоч ўймакорлигининг юксак санъат асари бўлган. Унинг, инсон қўли билан қилинганига одамнинг ишонгиси келмайди. Афсуски, бугунги кунда бундай ёғочдан ясалган қолипларда гул босишлар йўқолиб боряпти. Ҳозирги кунда кўплаб усталар резинадан қилинган қолипларни ишлатишяпти. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, нафақат ёғочдан, балки мисдан ясалган қолиплар ҳам қадимда мавжуд бўлган (намуналар Бухородаги Ситораи Моҳи Хосса ва Тошкентдаги Давлат Санъат музейида сақланяпти).

Қадимги усталар писта дарахтидан терилган мевадан (бужғун) ва мозидан тайёрланган суюқликка ипдан тўқилган матоларни қайнатиб олиб, сўнгра катта столга гул босиш учун ёйишган. Темир қириндиси ва буғдой уни, пахта ёғи, ҳайвон суяги, мошни узоқ қайнатиб тайёрланган суюқлик ўрик елими билан куюлтирилган ва жундан тайёрланган матога шимдириб олинган. Аввал қолип бужғун ва мозидан тайёрланган суюқликка ботириб олиниб ва яна юқоридаги қоришмага тегизиб сўнгра қўл билан матога босилган ва ёғоч тўқмоқ билан тўқмоқланган. Темир қириндиси дархол бужғун ва мозидан тайёрланган суюқликка ботириб олинган матога қора ранг бўлиб чиқади. Қора ранг қуриганидан сўнг, тухмак (япон сакураси) дарахтининг гулидан сариқ ранг тайёрлаб, ўрик дарахтидан терилган елим ва аччиқ тошли кучлантирувчи аралашма билан сариқ рангга мослаштирилган қолипларда босиб олинади. Рўяндан тайёрланган суюқликка ботирилган мато қизғиш бўлиб чиқади. Сўнгра мато ювилиб, офтобга ёйиб қўйилади. Аксари қолип билан босилган читгарлик маҳсулотлар тагликдаги ёрқин ранглари матога гул босишдан олдин, анор пўстлоғи ёки индиго билан ранглаб олинган. Оқ ёки бошқа ранг бериладиган жойлари ранг олмаслиги учун уларга елим суртилади. Биринчи таглик ранг берилгандан сўнг елим сидириб олинади. Рангларни мустаҳкам бўлиб ўчиб кетмаслиги учун, аччиқ тош ва темир қириндиларининг аралашмасига қолип тегизиб олиб, матога босилади. Сўнгра мато қуритилиб, ранглашга киришилади. Матодаги гулларнинг қизил ранги асосан рўяндан, сариқ ранги эса тухмак (япон сакураси) дарахтидан олинади. Энг кўп ишлатилган безак бу такрор-такрор босилган турли гулларни акс эттирган нақш бўлган.



мента. Обычно мастер готовил свои изделия вместе с членами семьи. Редко бывало, когда мастер учил своему ремеслу чужого человека. По возможности, мастера своих дочерей отдавали замуж в семьи таких же ремесленников, как и они.

Обычно стиль набивного ситца представлял собой чаще белый фон (нередко узор наносился на окрашенные в красный или синий цвет ткани), на который наносился узор черного и красного цветов. Для набивки черного рисунка форма готовилась по-своему: кусок грушевого дерева пропитывался бараньим жиром и высушивался в течение года, после чего на нем вырезался рисунок, и форма приводилась в готовность. Изысканно приготовленные шаблоны были своего рода образцами искусства резьбы по дереву. Взяв в руки резную доску, едва поверишь, что она сделана руками человека. К сожалению, при изготовлении набойки такие формы в наше время почти не употребляются. Сегодня многие мастера используют резиновые образцы. Следует отметить, что в древности использовали не только деревянные, но и медные шаблоны (образцы хранят-



Мустақилликдан кейин Ўзбекистонда кўплаб халқаро ташкилотларининг кўмаги билан кўплаб йўқолиб бораётган ва умуман йўқолиб кетган хунармандчилик турлари тикланди, жумладан анъанавий читгарлик ҳам. БМТ Тараққиёт Дастури асосида 1997 йилнинг 25–29 май кунлари Самарқандда читгарлик бўйича ўқув машғулотлари ўтказилди.

Машғулотларни Ўзбекистонда читгарликни сақлаб келаётган икки оила вакиллари, тошкентлик Ҳасан ва Абдурашид Раҳимовлар, марғилонлик ота-бола Солижон Аҳмадалиев ва Шукрулло Аҳмадалиевлар, шунингдек қўшни Тожикистон республикасидан, ўратепалик Мирамин Саидовлар, асрлар давомида оилалари томонидан сақланиб келинаётган читгарлик сирларини, вилоятлардан келган 20 нафар читгарликка қизиққан ўқувчиларга ўргатишди.

Бу ўқув машғулотлари ўз самарасини бериб, Бухоро ва Самарқандда читгарлик устахоналари қайта ташкил қилинди. Бухоролик читгар Малика Ҳабибова ва Самарқандлик Рыбянов Игор, Самарқандда ўтказилган қисқа ўқув дастуридан келиб чиқиб, ўз услуб ва ранглари асосида читгарлик маҳсулотлари тайёрлашяпти.

ся в Бухарском музее прикладного искусства «Ситораи Мохи Хоса» и Государственном музее искусств Узбекистана в Ташкенте).





Древние мастера из собранных плодов фисташкового дерева и наростов на листе растения в форме орешка (мози) готовили отвар, в котором кипятили связанный из нитей материал и стелили его на большой стол для набивки. Жидкость, приготовленная из железных стружек, муки, хлопкового масла, животной кости и маша, после долгой варки смешивалась с урючным клеем для получения густой массы, которой пропитывали шерстяную ткань. Сперва форму обмакивали в жидкость, приготовленную из фисташковых плодов и мози, а затем в приготовленную густую массу, после чего руками накладывали на ткань и отбивали деревянным молотом. Железная стружка на смоченном в жидкости материале превращалась в черную краску. После высыхания черной краски, из цветков дерева Софора Грифитта готовили желтую краску, затем в смесь из клея урючного дерева и квасцов опускали формочки, рассчитанные для желтого рисунка. Ткань, обмоченная в жидкости, приготовленной из морены приобретает красный оттенок. После этого ткань сушится на солнце. Прежде чем наносить рисунок, ткань окрашивают в цвет, приготовленный из коры граната или в цвет индиго (синий). Те места, где рисунок должен быть белого или другого цвета смазываются клеем для того, чтобы не окраситься в фоновый цвет. После окраски клей сдирается с материи. Для того, чтобы краски не стирались, а были прочными, форму обмакивают в смесь из квасцов и железных стружек и набивают на ткань. Затем ткань высушивается, и мастера принимаются за дело. Цвета для окраски рисунка получали из деревьев, так красный цвет получали из морены, а желтый из японской сакуры. Наиболее популярным оформлением был ритмично повторяющийся узор в виде разнообразных растительных и изредка геометрических мотивов.

После обретения независимости в Узбекистане при содействии ряда международных организаций были возрождены исчезающие и уже давно забытые виды ремесел, в том числе традиционной набойки. В рамках Программы Развития ООН в 1997 году 25–29 мая в Самарканде были проведены учебные занятия по набойке.

Занятия проводили представители двух семейств набойщиков из города Ташкента — Хасан и Абдурашид Рахимовы, из Маргилана — отец и сын Солижон Ахмадалиев и Шукрулло Ахмадалиев, а также из соседнего Таджикистана с Уратепы — мастер Мирамин Саидов. 20 ученикам, приехавшим из вилоятов, мастера раскрыли тайны ремесла, столь оберегаемые семействами на протяжении веков.

Занятия не прошли даром, в Бухаре и Самарканде вновь открылись мастерские по набойке. Набойщица из Бухары Малика Хабибова и Рыбянов Игорь из Самарканда, после краткой учебной программы, стали заниматься производством набойки, используя свой стиль и цвета.

# АНЪАНАВИЙ ЧИТГАРЛИКНИ ТИКЛАШ БЎЙИЧА ЮНЕСКО ЛОЙИҲАЛАРИ



2005 йил Бухорода ўтказилган Осиё ва Тинч океани минтақасида ЮНЕСКО соврини учун ўтказилган кўрик танловида Бухоронинг «Аъло бахмал» матосини қайта тиклаганим ва машҳур дизайнер ўз ишида фойдалангани учун якуний босқичда ғолиб бўлдим. Менинг йўқолиб кетган матоларни тиклашга бўлган қисиқишимни ҳисобга олиб, шу йили ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Хоразм вилояти Хива шаҳри «Ичан қалъа» мажмуасидаги Оллоқулихон мадрасасида «Хоразм тўқимачилик ўқув маркази» ташкил қилди ва мени Хоразм матоларини қайта тиклаш лойиҳасига таклиф этди. Хоразмда тўқилиш техникаси йўқолиб кетган «Турма белбоғ» ва «Олача» матолари қайта тикланди.

2006 йилдан Сурхондарёнинг Бойсун туманида ЮНЕСКО тарафидан ташкил этилган Ҳунармандлар марказида табиий рангларни мато, кашта ва гиламдўзликда қўллаш лойиҳасига бошчилик қилдим.

2007 йил Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан муҳтарам Президентимиз И. А. Каримов ташаббуслари билан Саид Аҳмад Хўжа Эшон мадрасаси қайта таъмирланди ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан мадрасада «Ҳунармандчилик маркази» ташкил этилди. Марказда тўқимачилик ва гиламчилик устахоналари ташкил этилган бўлса, 2008 йилнинг май ойидан машҳур Солижон Ота Аҳмадалиевнинг читгарлик устахонаси ташкил қилинди. Устанинг яроқсиз ҳолга келиб қолган қолиплари қайта тикланди ва читгарликка қизиққан 6 нафар ёшлар читгарлик сирларини ўрганиш жараёнига жалб қилинди. Шу билан ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси читгарлик устахонасини қайта тиклаш билан чегараланиб қолмай, 2009 йилнинг март ойидан Солижон Ота Аҳмадалиев, Шукрулло Аҳмадалиевлар 30 нафар ўқувчига — Фарғона шаҳридаги имконияти чекланган ўсмирлар коллежининг 15 нафар талабаси ва Марғилон шаҳридаги Меҳрибонлик уйининг 15 нафар ўқувчисига читгарлик бўйича ўқув машғулотлари ўтказди. Бу лойиҳа билан имконияти чекланган одамлар ҳам бу ҳунар билан шуғулланиши мумкинлиги исботлади. Кейинчалик республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам шундай ўқув машғулотлари ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Мазкур китобда мен асосан марғилонлик уста Солижон Ота Аҳмадалиевнинг узоқ йиллик тажрибасига суянганман. Сабаби, мен устанинг ишларини узоқ вақтдан бери кузатиб келаман. Солижон Ота ўзи-

# ПРОЕКТЫ ЮНЕСКО ПО ВОЗРОЖДЕНИЮ ТРАДИЦИОННОЙ НАБОЙКИ

В 2005 году на конкурсе ЮНЕСКО «Знак качества» по Азиатскому и Тихоокеанскому региону на финальном этапе мне присудили приз за возрождение бухарской ткани «Аъло бахмал» и за использование этого материала в работах изветсного дизайнера. Приняв во внимание мой интерес к возрождению исчезнувших тканей, в тот же год Представительство ЮНЕСКО в Узбекистане пригласило меня для участия в проекте по возрождению хорезмских тканей в Хиве, где в медресе Аллакулихон был образован «Хорезмский текстильный учебный центр». В результате, исчезнувшие в Хорезме техники производства тканей «Турма белбог» и «Алача» вновь были возрождены.

С 2006 года в Байсунском районе Сурхандарьинского вилоята в учрежденном ЮНЕСКО Центре ремесленников я был привлечен Представительством ЮНЕСКО в Узбекистане в качестве консультанта для проекта по использованию натуральных красителей в ковроделии, вышивке и окраски тканей.

В 2007 году в связи с 2000-летием города Маргилана было реконструировано медресе Саид Ахмад Хужа Эшона, где при поддерж-







нинг ҳунарини, ранг тайёрлашдан тортиб, то чит матоларига босадиган қолипларнинг асрлар давомида сақланиб келаётган шаклларини билади. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан тайёрланиб, нашр қилинган «Табиий ранглар сири» китобимнинг бобларидан бирида шулар ўз ифодасини топди. Бу бобда ўзбек читгарлигида табиий бўёқлардан фойдаланиш ҳақида сўз боради.

ке Представительства ЮНЕСКО в Узбекистане был создан «Центр развития ремесел». В центре были организованы ткацкая мастерская и мастерская по ковроделию, а в мае 2008 года известный набойщик Солижон Ота Ахмадалиев организовал мастерскую по набойке. Были восстановлены устаревшие калыбы и шестеро молодых учеников были привлечены к процессу обучения ремеслу набойки. Представительство ЮНЕСКО в Узбекистане не ограничились восстановлением ситценабивной мастерской и в марте 2009 года в мастерской Солижон Ота Ахмадалиева, Шукрулло Ахмадалиев провел учебные занятия по набойке 30 ученикам — 15 из Ферганского колледжа подростков с ограниченными способностями и ещё 15 ученикам из Маргиланского дома Милосердия (приюта). Проектом было доказано, что люди с ограниченной способностью тоже могут заниматься этим ремеслом. Было бы целесообразно проводить в дальнейшем подобные учения и в других регионах республики.

В данной книге я, в основном, руководствуюсь многолетним опытом маргиланского мастера Солижон Ота Ахмадалиева. Причиной этому служит мой давний интерес к работам мастера. Солижон Ота знает все о своем ремесле, начиная от приготовления красок и до хранения вековых форм для набивки. Ранее, процесс использования натуральных красителей в узбекской набойке был также упомянут в одной из глав в моей книги «Секреты натуральных красителей», которую подготовило к печати и опубликовало Представительство ЮНЕСКО в Узбекистане.

# ЧИТГАРЛИКДА ИШЛАШ УЧУН ЗАРУР БЎЛАДИГАН АСБОБ-УСКУНАЛАР

### Мис қозонлар



Ҳозирги кунда бўяшни мис қозонлар ёки сирланган идишларда амалга оширса бўлади. Мис қозонлар ёки сирланган идишлардан фойдаланилганда, касбга ёки ранглаш турларига қараб ҳажми ёки сони турлича бўлади. Ранглаш турларига қараб деганда, матони оқлаш ва мозида пиширишда битта идишда, сариқ, қизилга бўяшда алоҳида идишлардан фойдаланган маъқул. Бундан чиқди, ранглашда устахонага учта идиш керак бўлади.

### Ҳовонча

Турли шеваларда турлича айтиладиган ҳовонча, келича, ўғирча бўлган асбоб, аччиқтош ва ранг берувчи табиий меваларни майдалашда (туйиш) зарур бўлади.

### Тарози (граммли)

Тарози устахонадаги энг зарур бўлган асбоблардан бири. Бўёқчиликда ранг ёки аччиқтош миқдорини тўғри ўлчашда ва мўлжалланган рангни меъёрида олиш учун ёрдам беради. Тахминий ўлчаш табиий бўёқчиликда қатъиян тақиқланади.

### Сополи хумлар ва пластмасса идишлар

Сополи хумлар ёки пластмасса идишлар, бўёқлашдан олдин сув, бўёқлашдан кейин бўёқли сувларни сақлашга, ёмғир сувларини тўплашга зарур бўлади. Бунда хумларни ва пластмасса идишларни сояли ва қоронғу жойларда, яхшиси ертўлада сақланса, сувнинг хусусиятлари бузилишини камайтиради.

### Сув ҳароратини ўлчагич асбоби

Сув ҳароратини ўлчагич асбобининг бўёқчиликда хизмати беқиёс. Уста бўяётганда бу асбоб унинг қўлидан тушмайди. Сувнинг ҳароратини тўғри ўлчаш мўлжалдаги рангни олишга ёрдам беради.

# НЕОБХОДИМЫЕ ПРИНАДЛЕЖНОСТИ В НАБОЙКЕ

### Медные котлы



В наше время можно производить окрашивание в медных котлах или эмалированной посуде. Объем и число упомянутых котлов зависит от ремесла или вида окрашивания. Под окрашиванием понимаются отбеливание ткани и варка в отваре из мози в одном котле, а окрашивание в красный и желтый цвета в отдельных котлах. Эта значит, что для окрашивания в мастерской должны находиться три котла.

### Ступка



Ступка необходима для размельчения квасцов и натуральных плодов растений, из которых получают нужный цвет краски.

### Весы (граммовые)

Весы — это один из самых нужных предметов в мастерской ремесленника. С помощью весов взвешивают нужную порцию квасцов или краски для окрашивания и получения желаемого цвета. Примерное взвешивание запрещено в данном ремесле.

### Глиняные кувшины и пластмассовые сосуды

Глиняные кувшины или пластмассовые сосуды нужны для хранения воды до окрашивания, и после окрашивания в них хранят окрашенную воду, а также в них набирают дождевую воду. Хранение этих кувшинов в тенистом или темном месте, а лучше в подвале, способствует сохранению свойства воды.

### Термометр водный

Роль термометра в процессе окрашивания очень велика. У мастера он должен быть всегда под рукой. С помощью термометра, измерив температуру воды, мастер может получить желаемый цвет.







**Таёқчалар (40–50 см узунликда)**

Таёқчалар (чўпсалар) ёғочдан ясалган бўлиб, ранглаш жараёнида аралаштириш, рангланганидан кейин ишни қоқишга ёрдам беради. Таёқчалар ҳар бир рангга алоҳида ишлатилади. Зангламайдиган (нержавейка) таёқчалар ҳам бўлаверади. Улар рангни ўзига шиммайди.

**Резина қўлқоплар**

Читгарлик буюмларини бўяшда резина қўлқоплардан фойдаланиш керак. Сабаби, у қўлнинг куйиши олдини олади ва гигиеник жичатдан хавфсиздир.

**Қолиплар**

Матоларга гул босиш учун ишлатиладиган, асосан ёғочдан ясаладиган қолипларни фақат ёғоч ўймакорлари ясаб беришлари мумкин. 2011 йилнинг март ойларида Уста Зикрулло 25 см квадратли мураккаб ўйма қолипни 60 000 сўмдан Уста Шукрулло Аҳмадалиевга ясаб берди.



### Палочки (40–50 см длиной)

Деревянные палочки применяют для помешивания во время процесса окрашивания, а после окрашивания — для выбивания. Для каждого цвета используют отдельную палочку. Палочки из нержавеющей стали тоже подойдут, так как они не принимают на себя цвет краски.

### Резиновые перчатки

Для окрашивания набивного ситца следует пользоваться резиновыми перчатками. Они предотвращают получение ожога, а также нужны для санитарной гигиены рук.

### Формы

Для набивки используют в основном деревянные формы. Их могут приготовить только мастера резьбы по дереву. В марте 2011 года Мастер Зикрулло изготовил мастеру Шукрулло Ахмадалиеву квадратную 25 сантиметровую форму-калыб со сложным резным рисунком за 60 000 сум.

# МАТОНИ ОҚЛАШ ВА ГУЛ БОСИШГА ТАЙЁРЛАШ



Читгарликда асосан ипдан тўқилган бўз матоларга гул босилган. Китобни тайёрлаш жараёнида Тошкентдаги Халк амалий санъати музейи ва Давлат Санъат музейларида сақланаётган читгарлик буюмлари ва читгарликда гул босиш учун ишлатиладиган қолипларни ўргандим. Музейларда деворга осиш учун, кўрпа жилдлари ва дастурхонлик буюмларни учратдим. Буюмлар турли сифатли ип толадан тўқилган матолардан эди. Читгарлик буюмларидан чиройли ва сифатлилари тўқ оилалар томонидан сотиб олинган. Читгарликда ишлатилган матоларни текшириш жараёнида матоларнинг икки турини аниқладим: 1) тоза ип толасидан тўқилган бўз матолар; 2) паст толадан қўлда тўқилган бўз матолар. Лекин ҳамма бўз матолар юмшоқ холатда эди. Мен Уста Солижон Отадан бунинг сабабини сўраганимда, уста читгарликда матога гул босишдан олдин бўз матоларини яхшилаб қайнатиш кераклигини тушунтирди. Мато қайнатилганда толаларининг елими ва ғуборлари чиқиб кетса, матога босилган гулнинг рангги ўчиб кетмайди ва босилган гулнинг ранги тиниқ ва тўқ кўринади. Бундан чиқди, агар сиз читгарлик касбини эгалламоқчи бўлсангиз, яхши сифатли бўз матосини сотиб олишингиз керак. Республикамиз мустақил бўлганидан кейин юртимизга кўплаб тўқимачилик қўшма корхоналари кириб келди. Ана шу корхоналарда тайёрланган бўз матолари ўзининг сифатлилиги билан ажралиб туради. Иложи борича читгарликда ана шу матолардан фойлансангиз, мақсадга мувофиқ бўларди. Матони сотиб олганингиздан кейин, уни дастурхонликка ёки бошқа бирор буюмга бичиб оласиз. Қозонга сув солиб, яхшилаб қайнатасиз. Сув қайнаш ҳолатида 35 ёки 45 дақиқада мато қайнаб туради. Оловни ўчириб, сувни совутасиз ва матони яхшилаб сиқиб оласиз. Лекин сувни тўкиб ташлашга шошилманг. Матони қайнатиш жараёнида сувга чиққан матонинг елим ва ғуборлари қора ранг тайёрлашда керак бўлади. Матони сиқиб олгандан кейин, уни бозорларда дориликка сотиладиган табиий мози ёки бужғунли сувда яхшилаб қайнатиб олинади.

# ОТБЕЛИВАНИЕ ТКАНИ И ПОДГОТОВКА К НАБИВКЕ

В набойке в основном использовали грубую хлопчатобумажную ткань (бязь). В процессе написания данной книги были изучены формы набойки и готовые изделия, хранящиеся в Музее прикладного искусства и Государственном музее искусства Узбекистана в Ташкенте. В указанных музеях были обнаружены изделия из набивного ситца для украшения стен, чехлы для курпачи, а также скатерти. Изделия были из хлопчатобумажной ткани различного качества. Зажиточные семьи приобретали красивые и качественные изделия из набивного ситца. В ходе исследования набивных тканей мною было выделено два вида тканей: 1) материя из хлопчатобумажных чистых волокон; 2) материя, сшитая вручную из второсортных хлопчатобумажных волокон. Однако все ткани были мягкими. Когда я спросил причину этой мягкости тканей, мастер Солижон Ота объяснил, что перед набивкой ткани как следует, кипятят. При кипячении удаляются клей и пыль с волокон ткани, вот почему краски на ткани не линяют и имеют сочный окрас. Отсюда вывод, если вы желаете заняться ситценабивкой, вам необходимо будет купить высококачественную бязь. После приобретения независимости в нашей республике появилось много текстильных совместных предприятий. Ткань, производимая в этих СП, отличается своим хорошим качеством. По возможности следует использовать именно эту ткань. Купив ткань, раскроите её для приготовления скатерти или какого-нибудь другого изделия. Залив воду в котел, хорошенько её вскипятите. В кипящей воде материя должна находиться 35 или 45 минут. Выключив огонь, остудите воду и хорошенько выжмите ткань. Не торопитесь выливать воду из котла. Клей и пыль, отделившиеся от ткани во время кипячения пригодятся для приготовления черной краски. После отжатия ткани, её ещё раз кипятят в воде из натуральных наростов на листьях растений или из недоразвитого плода фисташки (бужгун).

# МАТОНИ ТАБИИЙ МОЗИ ЁКИ БУЖҒУНЛИ СУВДА ҚАЙНАТИШ



Жовзу-мовзу (мози) ўзи нима? Мози мўътадил иқлим ва иссиқ-тропик мамлакатларнинг тоғли жойларида тарқалган, узоқ яшайдиган бўйи 60 см гача ўсадиган қаттиқ бутасимон ўсимлик. Табиий ўсган ёки парвариш қилинган ҳолатда меваси йилнинг турли вақтларида териб олинади. Мозининг асосан, баргидан, новдасидан, жигарранг ва кулранг ранг олиш мумкин. Бизнинг бўёқчиликда мозидан рангни кучлантирувчи сифатида ишлатилади. Мозининг ўзидан ранг олинмайди. Покистондан Эрон орқали Ўзбекистонга импорт қилинади. Андижон



# КИПЯЧЕНИЕ ТКАНИ В ОТВАРЕ ИЗ МОЗИ И НЕСПЕЛЫХ ФИСТАШКОВЫХ ПЛОДОВ



Что такое жавзу-мавзу (мози)? Это кустарниковое растение высотою до 60 см, которое распространено в горных районах тропических стран. Плоды этого растения, будь оно дикое или культивированное, собираются в любое время года. Коричневый и пепельный цвета можно получить, в основном, из листьев и ветвей этого растения. В нашей стране мози используют в качестве наполнителя цвета. Из самого мози краску не получают. Это растение импортируется в нашу страну из Пакистана через Иран. Мози можно килограммами купить на базаре Андижана или на базаре Чорсу в Ташкенте. В других вилоятах на базарах продают мози в качестве лечебного средства, поэтому цена его дороже. Но вернемся к набойке, ткань, на которую надо наносить рисунок обязательно должна быть прокипячена в воде из отвара мози. Если вам не удалось найти жозу-мози, то вместо него есть плодовые косточки, в народе они называются по-разному, например, в Ферганской долине называют бужгун, в Ташкенте халила. Бужгун — это плод фисташкового дерева. Это дерево один год дает плоды, которые люди могут есть, а на второй год дает несъедобные плоды, которые называются бужгун. Они намного сильнее мози по своему свойству.

Учитывая объем ткани для набивки, берем жозу-мози, размельчив, превращаем в порошок. Если длина бязи 1 м$^2$ то мози нужно будет взять 20 грамм, а бужгуна 15 грамм. Если мы хотим приготовить ткань на одну скатерть, которая в ширину 1,2 метра, а в длину 1,8 метров, то общий размер изделия равен 2,16 м$^2$. Следовательно, чтобы приготовить отвар из мози, нам понадобится 42 грамма порошка мози, а если мози нет, то берем 32 грамма бужгуна, размельчаем в ступке, и добавляем в кипяченую воду в котле. Когда вода закипает, выделяется сок мози или бужгуна, и тогда мы помещаем материю в котел и кипятим в течение одного часа. Опытный набойщик на ощупь может узнать, готова ткань к набивке или ещё нет. А вот новичку в этом деле следует вместе с тканью опустить в кипящий с мози или бужгуном котел небольшой кусок материи размером с салфетку, которую позже сушат на воздухе. Небольшой палочкой проверяем готовность черной краски: задеваем в готовую массу, и наносим на салфетку, а затем смываем в проточной воде. Если цвет не полинял, а на ткани остался



шаҳридаги бозордан ёки Тошкентнинг Чорсу бозоридан килолаб сотиб олиш мумкин. Вилоятларни қолган бозорларида мозини инсонларга доривор сифатида сотилади ва шунинг учун нархи қимматр. Читгарликка қайтсак, гул босилиши керак бўлган мато албатта, мозили сувда қайнатиб олиниши керак. Агарда сиз жозу-мозу тополма, қолсангиз унинг ўрнини босадиган халқимиз тилида ҳар хил айтиладиган мева доначалари бор. Фарғона водиийсида «бужғун», Тошкентда «халила» дейилади. Бужғун писта дарахти меваси бўлиб, у бир йил хандон писта қилса, бир йил одам ея олмайдиган аччиқ мева қилади. Ана шу бужғун дейилади ва мозидан анча кучли.

Жозу-мозуни гул босилиши керак бўлган матони ҳажмига қараб майдалаб, кукун ҳолига келтирамиз. Бўз матоси бўйи 1 $м^2$ га 20 гр, бужғун меваси бўлса 1 $м^2$ га 15 гр ишлатиш керак. Бундан чикди, сиз бир дастурхонлик тайёрлаш учун уни эни 1,2 м бўлса, буйи 1,8 м бўлса умумий буюмни квадрат метр 2,16 м экан. Демак, мозилаш учун уни 42 гр ни агар мози бўлмаса, 32 гр бужғунни келига солиб майдалаб, кукун ҳолига келтириб, қозонга соламиз. Қайнаш ҳолига келганда, сувга мози ёки бужғуннинг шираси чиқади ва биз матони қозонга солиб, бир соат қайнатамиз. Тажрибали читгар матони гул босишга тайёр бўлганини матони ушлаб сезади. Лекин янги читгарлик билан шуғунланмоқчи бўлган ҳунарманд мозили сувга тайёр бичилган буюм билан бирга, бўз матодан салфетка ўлчамида қирқиб олиб, юқоридаги мозили ёки бужғунли сувда буюм билан бирга қайнатилади ва қозондан олиб, очиқ ҳавога ёйиб қуритилади. Тайёр бўлганлигини билиш учун қора рангга чўпни тегизиб олиб, шу матога чизиб кўрилади, қора ранг матога чизилиб, кейин оқар сувда чайқалганда рангги чиқмай, тўқ қора ранг матода қолса, демак мозили ёки бужғунли сувда қайнатилган бўз матоли буюмимиз қозондаги барча ширани ўзига тортиб олган бўлади. Очиқ ҳаводa қуритилган буюм оч сариқ рангга киради. Бундан чўчимаслик керак. Бу оч сариқ ранг матодаги мозининг шираси бўлиб, буюмни чайиш ва ранглаш жараёнида чиқиб кетади.



густой черный цвет, то наш материал пропитал весь сок в котле. Затем материя сушится и приобретает светло желтый цвет. Но не следует пугаться. Этот светло желтый цвет, будучи соком мози, отойдет в процессе ополаскивания и окраски.

# ҚОРА РАНГ ТАЙЁРЛАШ ВА МАТОГА БОСИШ



Читгарликда буюмларга гул босишда қора ранг муҳим ҳисобланади. Қолипда биринчи босиладиган гуллар қора рангда бўлади. Ранг тайёрлаш жараёни узоқ вақтни олади. Бунда бизга устахонамиздаги 150 литрли қозонимиз керак бўлади. Қозонга 1 литр пахта ёғи солинади ва тагига олов ёқилади. Сўнгра, тошкентликлар суйиб истеъмол қиладиган мошни 1 кг туйиб, уни ҳам қозонга ташлаб, пахта ёғида қовурилади.

Шу вақтнинг ўзида 5 литрли қозонда 1 кг унни ва сувни аралаштириб, қозон тагига оловни ёкиб, кавлаб турилса, атала ҳолига келади. Тайёр бўлган аталани катта қозондаги пахта ёғи ва мошга қўшиб, қовуришни давом эттирамиз.

Сўнгра 75 литр миқдорида матони оқлаш ва гул босишга тайёрлаш бўлимида, айтиб ўтганимиздек, гул босмоқчи бўлган матолар қайнаган суюқлик пахта ёғи ва мош билан қовурилган, сўнгра ун ва сувда тайёрланган атала қозонга қуйилади. Суюқликда матолардан ажраб чиққан елим ва ғуборлар бўлади. Бу ҳам қора ранг тайёрлашда муҳим ҳисобланади.

Шундай қилиб, биринчи босқичда пахта ёғи ва мош, иккинчи босқичда ун ва сувни қайнатиш орқали тайёрланган атала қюлган, учинчи босқичда оқ матони солиб қайнатилган сувини қуюлгандан кейин, энг асосий тўртинчи босқич — 15 кг гача бўлган темир қириндиси солинади. Қадимдан усталар пичоқ чархлайдиган устахоналардан темир қириндисини олишган. Бундай қириндилар чархлаш жараёнида буюмларни ўткирлашда чархга қўйганда ажралиб чиқади. Уста Солижон Аҳмадалиев ташландиқ занглаб кетган пўлат парчаларини ҳам юқоридаги темир қириндисига қўшиб, қозондаги суюкликка ташлайди. Устанинг айтишича, темир парчаларининг ҳаммаси ҳам эмас, енгил пўлатлиги яхшироқ бўлади. Бешинчи босқичда жонзотларнинг бўғим суяклари ва 5 кг. ёнғоқ пўчоғи ҳам солинади. Ёнғоқ барги ва меваси пўстидан кўп асрлардан бери сариқ ва жигарранг рангларга бўяш учун ишлатилиб келинади. Ёнғоқни тўкилганидан терганингиз маъқул. Чунки ерга тушган ёнғоқдан тезроқ ранг чиқади. Ҳунармандлар 100 литрли идишларга ёнғоқ пўчоғини солиб қўйишади. Ана шу эритмани рангга солса, пўчоқ, солиб қайнатгандан кўра кўпроқ фойдали бўлади.

# ПРИГОТОВЛЕНИЕ ЧЕРНОЙ КРАСКИ И НАБИВКА



В набойке черный цвет считается важным. В первую очередь на ткань формой набивают орнамент с черной краской. Процесс приготовления цвета отнимает много времени. Для этого в мастерской нужен будет 150 литровый котел. В котел наливают 1 л хлопкового масла и разжигают под ним огонь. Вслед за этим добавляется 1 кг толченого маша, блюдо из которого так любят готовить ташкентцы, жарят его на хлопковом масле.

Параллельно в 5-литровом котле перемешиваем 1 кг муки и воды, разжигаем под ним огонь, и часто перемешивая, доводим до состояния густой похлебки. Полученную похлебку добавляем в котел вместе с машем и продолжаем жарить.

Затем, как было уже отмечано, в разделе по отбеливанию и набивке, 75 литров кипящей воды с тканью переливаем в котел с жаренным в хлопковом масле машем, а затем в котел с мучной похлебкой. В жидкость из ткани выделяется клей и пыль, которые считаются важными для приготовления черной краски.

Итак, на первом этапе готовится смесь из прожаренного на хлопковом масле толченного маша, на втором — готовится похлебка из муки и воды которая добавляется в первый котел. На третьем этапе в эту массу добавляется кипяченая вода вместе с материей, после чего начинается четвертый этап, самый важный, в котором в массу добавляют до 15 кг железной стружки. Издавна ремесленники забирали железную стружку из мастерских, где точили ножи. Такие стружки образуются в процессе точения предметов из стали. Мастер Солижон Ахмадалиев, наряду со стружками, забрасывает в казан заржавевшие стальные куски. Мастер отмечает, что куски легкой стали больше подойдут для дела. На пятом этапе добавляются суставные кости животных и 5 кг ореховой скорлупы. Из листьев и скорлупы ореха веками готовили желтую и коричневую краску. Скорлупа ореха может быть использована в свежем или сушеном виде. Если вы сами собираете орехи, то берите лучше те, которые упали на землю, они быстрее выделяют цвет. Посредством закваски орехов тоже можно получить темный цвет. Ремесленники помещают ореховые скорлупки в 100 литровые сосуды. При длительном хранении скорлупа разъедается и превращается в густую смесь. Если эту смесь добавить в краску, она будет более эффективна, чем сваренная скорлупа.

Қозонга тушган барча нарсаларни қайнаш ҳолига олиб келиш керак, икки соат қайнатилади. Агарда қора ранг янада тўқроқ чиқиши учун имконият бўлса, рўян ўсимлигининг қуритилган илдизи солинса, янада яхши бўлади **(Рўян — марена).** Бу — Ўрта Осиёда табиий ҳолда ўсадиган ўсимлик. Ўзбекистоннинг тоғли туманларида учратиш мумкин. Ургут ва Бойсун тоғларидан ўзим қазиб олиб, бўёқчиликда ишлатиб кўрганман. Рўян уруғлик холатда ҳосилдор ва сувли ерларда қуёш шароитида ўсади. Экишда эрта-баҳор қишнинг охирги кунларида 4 см чуқурликда ташлаб экилади. Ўз ҳолатида ўсиб, ортиқча эътибор талаб қилмайди. Ҳар уч йилда — кузда ёки баҳорда ўсимлик томирлари қазиб олинади. Пишган уруғи кейинги экин учун сақланади. Томири қазиб олиниб, тупроқдан тозаланади ва сариқ ёки жигарранг илдизчалари кесиб ташланади. Кейин майда бўлакчаларга бўлиниб, ёйилган ҳолатда бўёққа ишлатилса, қуюқ ранг чиқади. Қуритилган рўян томирлари қоғоз қопларда салқин ва қуруқ жойларда сақланади. Рўяндан қизилга яқинроқ сариқнинг тўқроғи (қизил-сарғиш) ранг олинади. Асосан рўянни ўзидан ёки мози аралаштириб олинадиган қизил ранг тўқимачилик, гилам ва кашта-



Все что попадает в котел необходимо кипятить два часа. Чтобы получить жгуче черный окрас, можно добавить высушенные корни марены **(Руян–Марена).** Это — дикорастущее растение в Средней Азии. В Узбекистане оно встречается в горных районах. Я сам как-то нашел и выкопал это растение в Ургутских и Байсунских горах, а потом использовал его в окрашивании. Семена марены хорошо всходят в солнечных условиях на плодородной и влажной почве. Их забрасывают в почву на глубину 4 см ранней весной. Это растение растет само по себе, не требуя особого внимания. Через каждые 3 года осенью или весной корни растения выкапываются, а спелые семена хранятся для следующего посева. Корни очищаются от земли и корешки желтого или коричневого цвета отрезаются. Затем корни делят на мелкие кусочки, из которых можно получить темный цвет. Сушеные корни марены хранят в сухом темном месте в бумажных пакетах. Из марены получают красноватый или же темно желтый (оранжевый) цвет. В основном из самой марены, или в смеси с мози, получают красный цвет, который используют в ткацком деле, ковроделии и вышивании. Словом, все вышеупомянутые ингредиенты нужно варить каждый день по 2 часа. В жаркие летние дни черная краска уже готова за 4–7 дней, в облачные дни за 12–15 дней.



Как можно узнать, что черная краска готова или сварилась? Из отваренной и очищенной от клея и пыли материи вырезаем кусок размером с салфетку, далее варим её в отваре из мози или бужгун (незрелые фисташковые плоды). После сушки черного цвета, который считается готовым берем палочку, и обмакнув в краску, наносим её рисунок на салфетке. Затем эту салфетку ополаскиваем в проточной воде. Если цвет не полинял и на материи остался густой черный цвет, значит приготовленный черный цвет готов для окрашивания.

**Набивка.** Перед набивкой в тазик, куда можно поместить форму, заливаем кипящую черную краску. Также в марлевую хлопчатобумажную ткань кладем клей абрикосового дерева (этот клей является жидкостью, выделяемой из коры абрикосового дерева под влиянием атмосферы, которое превращается в твердое вещество и сдирается с деревьев осенью. Каждую осень мы с внуками мастера Солижона Ота собираем абрикосовый клей с загородных абрикосовых рощ), добавляем его в краску терпимой температуры и смешиваем до состояния клейкой массы. Клей нужен для того, чтобы краска прилипла к форме. Клей в дальнейшем при полоскании изделия смывается. В тазик с полученной клейкой краской стелим толстую шерстяную материю, которая впитывает краску. Когда в неё опускается форма, краска одинаково ложится на неё. Вот теперь краска готова для окрашивания. Теперь на вскипяченную в отваре из мози, затем высушенную и проглаженную материю для скатерти накладываем форму, предварительно обмакнув её дно

чиликда қўлланилади. Хуллас, ҳамма юқоридаги нарсалар солиб, ҳар куни икки соатдан қайнатиш керак. Ёзнинг иссиқ кунларида қора ранг 4–7 кунларда, салқин кунларда 12–15 кунлар давомида тайёр бўлади.

Қора рангни тайёр ёки пишганини қандай аниқлаш мумкин? Қайнатилиб елим ва ғуборлари кетган матодан салфетка ўлчамида қирқиб олиниб, мозили ёки бужғунли сувда қайнатилиб, кейин қуритилганини,тайёр бўлди деб ҳисобланган қора рангга чўпни тегизиб олиб, шу матога чизиб кўрилади, қора ранг матога чизилиб, кейин оқар сувда чайилганда рангги чиқмай, матода тўқ қора ранг қолса, демак қора рангимиз тайёр бўлган бўлади.

**Матога гул босиш.** Қолип босишдан олдин, улар сиғадиган жомчага тайёр бўлган, деб ҳисобланган қайноқ ҳолатга келтирилган қора рангдан солинади ва пахта ипидан тўқилган докага ўрик (ўрик елими дарахти танасидан чиққан ва атмосфера таъсирида қаттиқ моддага айланган суюқлик куз ойларида кўчириб олинади. Куз ойларида уста Солижон Ота набиралари билан биргаликда шаҳардан ташқаридаги ўрикзорлардан ҳар йили териб келамиз) елимидан солиб, қўл куймайдиган ҳолатга келгандан кейин, рангга солиб мижилади. Мижиш вақтида қора ранг докадан чиққан елим сабабли қуюқлашади. Суюқ ранг қолипга ёпишиши учун елим фойдали. Елим кейинчалик буюмни чайиш жараёнида чиқиб кетади. Ранг қюлгандан кейин, жом ичига жундан тўқилган қалин мато солинади. Мато рангни шимиб олади. Қолип рангга ботирилганда ранг қолипга бир хил тегади. Рангимиз матога гул босишга тайёр бўлди. Сўнгра қуритиб ва дазмолланган дастурхонлик учун бичилган матога елимли рангга қолипнинг таги тегизиб олиниб, босилади. Усталар ҳар буюмда аввалдан нақшлар композициясини режалаштирган. Демак, буюмга қолипларда гул босишдан олдин қаерига қандай қолип босишимизни билиб олишимиз керак. Дастурхонни қора рангда қолиплар ёрдамида гул босиб олдик. Кейин буюмни оқар сувда чайиб юборилса, матодаги ортиқча қора ранг ва елим чиқиб кетади. Ундан кейин илиқ сувда яна бир бор чайиб, қуритилиб дазмолланади.



**Сариқ ранг тайёрлаш ва қизил рангга бўёқлаш.** Сариқ ранг рангларни индаллоси бўлиб, бўёқчиликнинг биринчи босқичидир. Сариқ ранг оч, ўртача, тўқ ва олтин рангларга бўлинади. Табиатимизда ўсадиган ўсимликлардан жуда кўплаб, хилма-хил сариқ ранг олиш мумкин. Мисол учун буғдой сомонидан ва тошкенликлар паловга қўшадиган зиравор — зарчубадан (сафран) паст ёки кўп миқдорда ишлатилса, тўқрок сариқ ранг олиш мумкин. Қадимда Марғилонда ҳунармандлар тол, тут ва арча дарахтларининг танасида бўлган пўкаг (замбуруғ)ини кўчириб олиб, идишга солиб қайнатиш орқали ҳам сариқ рангни олишган.





с рисунком в клейкую краску. В каждом изделии мастера заранее планировали характер композиции узора. Следовательно, прежде чем набивать рисунок мы должны заранее знать, куда и какую форму прикладывать. На скатерть нанесем формы с черной краской. После ополаскивания ткани в проточной воде с неё смывается лишняя краска и клей. Затем ещё раз ополаскиваем ткань в теплой воде и высушив, разглаживаем её утюгом.



**Приготовление желтой краски и окрашивание в красный цвет.** Желтый цвет считается основным и используется на первом этапе окрашивания. Желтый цвет делится на светлый, средний, густой желтый и золотистые цвета. Из растений, встречаемых в природе, можно получить различные оттенки желтого цвета. К примеру, из пшеничной соломы или из специи сафран (зарчуба), которую ташкентцы добавляют в плов, можно получить краску от светлого до темно-желтого цвета в зависимости от количества взятого красителя. В Маргилане ре-



Марғилонлик машҳур читгар Солижон Ота Аҳмадалиев сариқ рангни тухмак дарахти (япон сакура) гулларини йилнинг фақат июль ва август ойларида териб олиб, қайнатиш орқали сариқ ранг олади.

**Бўяш.** 10 литр сувни 50 литрли қозонга солиб, оловга қўямиз, тухмак дарахтидан терилган 4 кг гулни соламиз. Сув қайнай деганда, сариқ тусга кирган аралашмага 1 кг аччиқ тошдан солиб эритамиз. 1,5–2 соат қайнаганидан сўнг, қолип сиғадиган идишга аралашмани қуйиб, ўрик елимини аралаштирамиз. Кейин у аралашмага сариқ рангли қолипни ботирамиз (ҳар бир гул учун қолип иккитадан бўлади. Бири қора ранг учун, иккинчиси сариқ ранг учун. Читгарлар бундай жуфт қолипларни «эр-хотин қолиплар» деб атайдилар. Агар уста шогирдига кора рангдан кейин сариқ рангли қолипнинг жуфтини босмоқчи бўлса, «мана бу гулнинг хотин қолипини олиб бер», деб мурожаат қилади. Лекин ҳозирги кунларда Солижон отанинг сариқ рангга мосланган қолиплари бўлса ҳам, гулларни кичкина мой бўёқда сариқ рангга бўяб келмокда). Агарда матода фақат қора ва сариқ ранг бўлишини хоҳласак, сариқ ранг босилгандан кейин, оқар сувда чайиб юборилса, матодаги ортиқча сариқ ранг ва елим чиқиб кетади. Ундан кейин илиқ сувда яна бир бор чайиб қуритилиб, дазмолланади.

Лекин қадимдан читгар усталар сариқ рангли қолип босганидан кейин, босилган матони рўян ва мозидан тайёрланган қизил рангга солишган. Қизил рангга солинган мато, сариқ ранг босилган жойларигина қизил ранголади. Сабаби, сариқ рангга аччиқ тош аралаштирилган. Аччиқ тош теккан жойларининг ранг олишига сабаб, аччиқ тош ранг сурувчи ҳисобланади.

**Бўяш.** Ранглашдан олдин бир кун аввал ҳовончада янчилиб, элакдан ўтказилган 250–300 гр. рўян алоҳида, 100–125 гр. янчилган мози алоҳида идишларда уютилиб қўйилади. Мис қозон ёки сирли идишга 10 литр сув солиб, тагига олов ёқилади. Кейин иккита идишда уютилган рўян ва мози, қозон ёки сирли идишга солинади. Сувни иссиқлик даражаси 35–40 градусга етганда, қолипда гул босилган мато қозонга солинади. Мато иссиқлик даражаси 70–75 градусда бир соат рангланади. Вақти-вақти билан қозон махсус таёқчалар ёрдамида аралаштириб турилади. Сўнгра қозон ёки сирли идиш тагидаги олов ўчирилади. Мато бир кеча қозонда қолдирилиб, эрталаб олинади, қуритилади, кейин оқар сувда чайиб қуритилиб, дазмолланади.

месленники получали краску желтого цвета из наростов на иве, тутовнике и арче в процессе кипячения.

Известный мастер набойщик Солижон ота Ахмадалиев из Маргилана получает желтый цвет из собранных только в июле и августе цветов японской сакуры.



**Окрашивание.** Ставим 50 литровый котел на огонь, наливаем 10 литров воды и добавляем 4 кг цветов сакуры. Когда вода закипит и приобретает желтый оттенок, добавляем квасцы и ждем, пока они растают. Через 1,5–2 часа выливаем воду в таз для формы и перемешиваем с абрикосовым клеем. Затем в эту смесь обмакиваем форму для желтой краски и набиваем на выполненные изделия (форма для желтой и черной краски должны быть в двух экземплярах, набойщики называют такие парные формы «муж и жена», одна для набивки желтой краски, другая для черной краски. Если мастер собирается набивать после черной формы желтую, он просит ученика достать вторую пару черной формы. Однако, несмотря на то, что Солижон Ота имеет такие парные формы, он окрашивает орнамент в желтый цвет с помощью кисточки). Если мы хотим, чтобы на материи было два цвета: черный и желтый, то после того, как набили желтую форму нужно сполоснуть ткань в проточной воде, тогда лишний желтый цвет и клей выйдет в воду. После этого нужно ещё раз вcполоснуть в теплой воде, высушить и погладить.

Однако издревле мастера набойщики после набивки формой желтого рисунка на ткань опускали её в отвар красного цвета из марены или мози. На ткани только те места, куда был нанесён желтой формой рисунок, окрашиваются в красный цвет. Причиной тому служит добавление квасцов в желтую краску, так как квасцы обладают свойством впитывать краску.

**Окрашивание.** За день до окрашивания, размолотые в ступке и отсеянные 250–300 гр. марены и 100–125 гр. истолченного мози замачиваются в отдельных посудах. В медный котел или эмалированную посуду наливают 10 литров воды и ставят на огонь. Затем туда добавляют замоченные марену и мози. Когда температура воды достигает 35–40 градусов, материя с набивкой опускается в котел. Материя при температуре 70–75 градусов окрашивается в течение часа. Временами жидкость в котле помешивается специальными палочками. Затем под котлом или эмалированной посудой тушат огонь и оставляют ткань до утра. Утром ткань вынимают из котла, сушат, затем промывают в проточной воде, высушивают и разглаживают утюгом.

# ЧИТГАРЛИКДА ИШЛАТИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРНИНГ НАРХЛАР ЖАДВАЛИ, 2011 ЙИЛ МАРТ ОЙИ

| № | Читгарликда ишлатиладиган махсулот номи | Ички бозоримиздаги нархи (сўм/кг) | Ташқи бозордаги нархи ($/1 кг) | Қайси минтақадан топиш мумкин |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Бўз матоси | 3000–4000 | | Ўзбекистоннинг барча минтақаларидан |
| 2 | Индиго кукуни | 150000–200000 | 50–110 | Ўзбекистон, Ҳиндистон, АҚШ |
| 2 | Гидросульфид кукуни | 10000–15000 | 2–10 | Ўзбекистон (Марғилон, Наманган),Туркия ва Ҳиндистон |
| 3 | Ишқор (шўра ва қирқ бўғим ўсимлиги кули | 2500–5000 | 2,5–4 | Ўзбекистон (Бухоро, Бойсун, Риштон), Афғонистон |
| 4 | Рўян томири | 15000–20000 | 2–5 | Ўзбекистон (Ургут ва Бойсун тоғлари. Марғилон ипак илмий ишлаб чиқариш институти), Афғонистон, Ҳиндистон |
| 5 | Мози(жавзу мози) | 20000–60000 | 2–3 | Ўзбекистон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон |
| 6 | Кашинел доначалари | | 75–110 | Перу, Сальвадор ва АҚШ |
| 7 | Ёнғоқ пўчоғи | 2000–3000 | | Юртимизнинг барча минтақаларидан |
| 8 | Анор пўчоғи | 2000–3500 | | Юртимизнинг барча минтақаларидан |
| 9 | Пиёз пўчоғи | 500 | | Юртимизнинг барча минтақаларидан |
| 10 | Мева елими | 5000–10000 | | Юртимизнинг барча минтақаларидан |

# ТАБЛИЦА РАСЦЕНОК, ИСПОЛЬЗУЕМЫХ В НАБОЙКЕ МАТЕРИАЛОВ, МАРТ 2011 ГОДА

| № | Наименование материала, используемого в набойке | Цена на внутреннем рынке (сум/кг) | Цена на внешнем рынке ($/1 кг) | Регион, где можно найти материал |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Бязь | 3000–4000 | | Во всех регионах Узбекистана |
| 2 | Порошок индиго | 150000–200000 | 50–110 | Узбекистан, Индия, США |
| 2 | Порошок гидросулъфида | 10000–15000 | 2–10 | Узбекистан (Маргилан, Наманган), Турция и Индия |
| 3 | Щелочь (пепел хвоща и лебеды) | 2500–5000 | 2,5–4 | Узбекистан (Бухара, Байсун, Риштон), Афганистан |
| 4 | Корень марены | 15000–20000 | 2–5 | Узбекистан (горные районы Ургута и Байсуна, Маргиланский научно-производственный институт) Афганистан, Индия |
| 5 | Мози (жавзу мози) | 20000–60000 | 2–3 | Узбекистан, Афганистан, Пакистан и Индия |
| 6 | Зернышки или косточки кашинели | | 75–110 | Перу, Сальвадор и США |
| 7 | Скорлупа ореха | 2000–3000 | | Во всех регионах нашей страны |
| 8 | Корки граната | 2000–3500 | | Во всех регионах нашей страны |
| 9 | Шелуха лука | 500- | | Во всех регионах нашей страны |
| 10 | Клей плодовых деревьев | 5000–10000 | | Во всех регионах нашей страны |

# АДАБИЁТЛАР

1. С. Маҳкамова. Ўрта Осиёда читгарлик ҳунари тарихи. ЮНЕСКОнинг читгарлик бўйича семинар ашёлари. Самарқанд. 1997 й., май.
2. К. Малик. Ўзбекистоннинг гул босилган газламалари ҳақида. ЮНЕСКОнинг читгарлик бўйича семинар ашёлари. Самарқанд. 1997 й., май.
3. Р. Мирзааҳмедов. Табиий ранглар сири. Тошкент. 2007 й.

# ЛИТЕРАТУРА

1. С. Махкамова. Ўрта Осиёда читгарлик хунарининг тарихи. Материалы семинара ЮНЕСКО по набойке. Самарканд, май 1997 г.
2. К. Малик. Ўзбек гул босилган газламалари хакида. Материалы семинара ЮНЕСКО по набойке. Самарканд, май 1997 г.
3. Р. Мирзаахмедов. Табиий ранглар сири, Тошкент. 2007 г.

United Nations
Educational, Scientific and
Cultural Organization



**Мирзааҳмедов Расулжон Турғунбоевич**

1973 йилда Фарғона вилояти Марғилон шахрида таваллуд топди. Атласчилар сулоласининг 9 авлодидан. 2005 йил Бухоронинг «аъло» бахмалини қайта тиклаганлиги учун Осиё ва Тинч океани минтақасида ЮНЕСКО сертификатини қўлга киритган. 2005 йил Хивада Оллақулихон мадрасасида ЮНЕСКО лойиҳасига асосан Хоразм матоларини тиклаш мақсадида «Хоразм тўқимачилиги ўқув маркази»ни ташкил қилди. Хоразмнинг «турма белбоғи» ва «алача» матоларини қайта тиклади. 2006 йилдан Сурхондарё вилояти Бойсун туманида «Бойсун ҳунармандчилик маркази»нинг тўқувчилик гиламчилик ва каштачилик устахоналарида табий ранг ва дизайн бўйича машғулотлар ўтказиб келмоқда. 2007 йилдан Марғилонда Саид Ахмад Хўжа Эшон мадрасасида ЮНЕСКО лойиҳасига асосан «Марғилон ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази»ни ташкил қилди. Хозирги кунда марказда тўқимачилик ва гиламчилик устахоналари мавжуд. 2004 йил Илхом театрида «Мирзааҳмедовлар сулоласи» номли матолар кўргазмасини ташкил қилди. Бир қанча халқаро кўргазмалар ва мусобақалар қатнашчиси. Шу жумладан 2006 йил КАКСА ва ЮНЕСКО доирасида ўтқазилган «Сифат белгиси» мусобақасида бахмал матоси билан қатнашиб, сифат белгисини қўлга киритган. Япония, Франция, ва АҚШ давлатларида бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда қатнашиб, анъанавий Ўзбек санъатининг довруғини дунёга танитиб келаяпти.